



САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Мухаммадиева Мунира Зайнабутдиновна

Тошкент кимё халқаро университети, "Иқтисодиёт" кафедраси мустақил изланувчиси. Тошкент, Ўзбекистон.

munijon86@gmail.com

<https://orcid.org/0009-0004-4341-5916>

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss3/i20

Аннотация

Ушбу мақолада саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг хориж тажрибаси баён қилинган. Инновацияларни молиялаштириш бўйича АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Италия, Канада, Япония ва Швецария каби ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган. Бунда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш усул ва йўллари комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил қилиш методлари асосида ёритилган. Ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш тажрибаларини мамлакатимиз саноат корхоналари фаолиятида қўллаш бўйича илмий-назарий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: инновация, инновацион фаолият, молиялаштириш, қўшилган қиймат, солиқ имтиёзлари, амортизация, рағбатлантириш, инновацион маҳсулот.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ ФИНАНСИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ

Мухаммадиева Мунира Зайнабутдиновна

Независимый соискатель кафедры "Экономика", Ташкентский международный кимё университет.

Аннотация. В данной статье описывается зарубежный опыт финансирования инновационной деятельности на промышленных предприятиях. В области финансирования инноваций был изучен опыт таких развитых стран, как Соединенные Штаты, Франция, Соединенное Королевство, Германия, Италия, Канада, Япония и Швейцария. Методы и способы финансирования инновационной деятельности на промышленных предприятиях рассматриваются на основе методов комплексной оценки, логического и сравнительного анализа. Разработаны научно-теоретические предложения и рекомендации по применению опыта финансирования инновационной деятельности на промышленных предприятиях в деятельности промышленных предприятий нашей страны.

Ключевые слова: инновации, инновационная деятельность, финансирование, добавленная стоимость, налоговые льготы, амортизация, стимулы, инновационные продукты.

FOREIGN EXPERIENCE IN FINANCING INNOVATIVE ACTIVITIES OF INDUSTRIAL ENTERPRISES

Mukhammadieva Munira Zainabuddinovna

Independent Researcher of the Department of Economics, Tashkent International Kimyo University. Tashkent, Uzbekistan

Abstract

This article describes the foreign experience in financing innovative activities of industrial enterprises. The experience of developed countries such as the USA, France, Great Britain, Germany, Italy, Canada, Japan and Switzerland in financing innovations are studied. At the same time, the methods and means of financing the innovative activity of industrial enterprises are highlighted based on complex assessment methods, logical and comparative analysis. Scientific and theoretical proposals and recommendations are developed for applying the experience of financing innovative activities of industrial enterprises in developed countries in the activities of industrial enterprises in our country.

Keywords: innovation, innovation activity, financing, value added, tax benefits, depreciation, incentives, innovative products.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар ва дастурлар ишлаб чиқилиб, самарали амалга оширилмоқда. Ушбу дастурлар асосида иқтисодиётни модернизациялаш, диверсификациялаш ва техник қайта қуроллантириш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш, ҳамда банк тизимини қўллаб-қувватлаш ишлари турганлиги мамлакатимиз иқтисодиётини рақобатбардошлигини ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга замин яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўз маърузаларида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида амалга оширилиши лозим бўлган энг устувор вазифаларининг бири сифатида “...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш” [1] деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, шу бугунги кун талабларига жавоб берадиган саноат маҳсулотлари ва хизматларини яратиш орқали мамлакатимизнинг иқтисодий рақобатбардошлигини ошириш мумкинлиги, инновацияларни амалиётга жорий этилиши ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ҳар доим катта аҳамият касб этган. Иқтисодиётнинг ҳозирги замонавий босқичида ривожланган мамлакатлар тараққиётига инновацион фаолият муҳим ўрин эгаллайди. Биргина, инновацион ахборот-коммуникация технологиялари саноатининг ривожланиб бориши натижасида жаҳон миқёсида яратилаётган жаҳон ялпи маҳсулотнинг қарийб 5,5 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Мазкур кўрсаткич ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида сезиларли салмоқга эга эканлигини кўришимиз мумкин, масалан, Жанубий Кореяда 11,8 фоиздан зиёдни, Швецияда 7,0 фоизни, АҚШда эса 6,8 фоизни ташкил этади. Шунини қайд этиш лозимки, замонавий иқтисодиётда инновацияларнинг роли янада ошмоқда, улар иқтисодий ривожланишнинг асосий омилига айланди.

Инновацион фаолият иқтисодиётда саноат корхоналарида ишлаб чиқариш муносабатлари, хўжалик юритиш механизми, шакллари ва меҳнатни ташкил этиш жараёнларида намоён бўлади. Шунини қайд этиш лозимки, мамлакатимизнинг инновацион ривожланиш стратегиясида “2030 йилга келиб Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг 50 илғор мамлакати қаторига кириш” [2] вазифаси белгиланган. Жамият тараққиётининг қонуниятларига кўра, ижтимоий-иқтисодий

ривожланиш бир текисда давом этмасдан, балки қўйдан юқорига, оддийликдан мураккаблик томон юксалиш тамойилларига асосланади.

Ҳозирги босқичда бошқарувнинг жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, халқаро ҳамжамиятнинг ривожланган мамлакатлари анъанавий илмий-техникавий сиёсатдан инновацион илмий-техникавий сиёсатга тубдан ўтишни амалга оширмоқда. Бунга саноати ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг очиқлиги, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг кучайиши, рақобатбардошликни ошириш зарурати сабаб бўлмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Сўнгги йилларда иқтисодий манбаларимизда «инновация», «инновацион жараён» ва «инновацион фаолият» тушунчалари кўп учрамоқда. Айниқса, иқтисодиётни модернизациялаш даврида кенг кўламда талқин этилмоқда. Шу боисдан инновация тушунчасининг моҳиятини англашда атрофлича ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Инновация атамаси мамлақтимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даври иқтисодиётида "инновация-янгилик" сўзи сифатида қўлланила бошланди, бу сўзма-сўз «янгилик, янгилик киритиш, новаторлик» [3] деган маънони англатади.

Иқтисодий манбаларда «инновация»га турлича таъриф берилган. Кўплаб хорижий иқтисодчи олимлар Н.Манчев, И.Перлаки, В.Хартман, Е.Менсфилд, Б.Твисс, И.Шумпетер, Е.Роджерс ва бошқалар ушбу тушунчани турлича талқин қилишади.

Европалик олим Й.Шумпетер “инновация” тушунчасини саноатда янги турдаги истеъмол товарлари, янги ишлаб чиқариш ва транспорт воситалари, бозорлар ва ташкил этиш шакллари жорий этиш ва улардан фойдаланишга асосланган ўзгариш сифатида изоҳлади [4]. Инновация мазмунини иқтисодий ривожланиш динамикасига таъсир қилувчи янги комбинацияларни амалга ошириш сифатида у қўйидаги типик ҳолатлар шаклида аниқлади:

1. Истеъмолчиларга ҳали маълум бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки муайян маҳсулотнинг янги сифатини яратиш;

2. Ишлаб чиқаришнинг янги усулидан фойдаланиш, яъни, саноатда ҳали маълум бўлмаган, ихтиро ёки кашфиётга асосланган, шунингдек, ушбу маҳсулотни тижорат мақсадларида фойдаланишни (сотиш ва сотиб олиш технологиясини) такомиллаштиришдан иборат бўлиши мумкин бўлган янги технологик жараёнлар;

3. Хом ашёнинг янги манбасини, ярим тайёр маҳсулотларни олиш ёки ундан фойдаланиш, бу хомашё илгари мавжуд бўлган, лекин бирон-бир сабабга кўра фойдаланилмаган ёки уни қайта ишланмаган;

4. Саноат корхоналари томонидан тақдим этилмаган янги бозорларга янги товарларни киритиш.

Б.Твисс томонидан «Инновация - бу кашфиёт ёки ғоя, иқтисодий мазмунга эга жараён» [5]. Ф.Никсон томонидан «Инновация - бу техник, ишлаб чиқариш ва тижорат тадбирларининг мажмуи бўлиб, янги бозорларда янгиланган ишлаб чиқариш ва қурилмаларни юзага келиши» деб таъриф берган. Б.Сантонинг фикрича, инновация шундай ижтимоий, техник ва иқтисодий жараён бўлиб, ғоялар ёки ихтиролардан амалий фойдаланиш орқали хоссалари бўйича яхшироқ маҳсулот ва технологияларни яратишга олиб келади. Агар инновация иқтисодий фойда (фойда)га йўналтирилган бўлса, у ҳолда унинг бозорда пайдо бўлиши қўшимча даромад келтириши мумкин [6].

Й.Шумпетернинг тадбиркорлик фаолиятида инновацияларнинг ўрни ҳақидаги ғоялари кўплаб замонавий хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган. П.Друкер томонидан “Инновациялар тадбиркорлар учун махсус восита бўлиб, улар ўзгаришлардан турли бизнес ёки хизматлар учун имконият сифатида фойдаланадиган воситадир” [7] деб таъкидлаган.

МДХ давлат олимлари томонидан А.И.Пригожин [8], В.М.Аньшин [9], С.Ю.Глазев [10], А.А.Дагаева [11], Р.А.Фатхутдинова [12] ва бошқаларнинг асарларида инновацияларнинг янги таснифлаш хусусиятлари берилган. А.И.Пригожий инновацияни “амалга ошириш соҳасига (ташкилот, аҳоли, жамият ва бошқалар) иқтисодий, ташкилий, бошқарув, ҳуқуқий ва педагогик характердаги янги нисбатан барқарор элементларни киритувчи мақсадли ўзгариш” деб таърифлайди. Р.А.Фатхутдинов инновациялар ҳам техника ва технологияга, ҳам ишлаб чиқариш ва бошқарувни ташкил этиш шаклларига тааллуқли бўлиши мумкинлигини таъкидлаб, техник-технологик, ташкилий, бошқарув, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий ва экологик турларга бўлган.

Бу борада “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да “инновация” атамаси инглиз тилидаги “innovation” сўзидан олинган бўлиб, “киритилган янгилик, ихтиро” [13] деган маъноларни англатиши қайд қилинган. “Большая экономическая энциклопедия”да “...бозорнинг истиқболли талабидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришга лойиҳавий, технологик, моддий, ташкилий жиҳатларга янгилик киритиш билан боғлиқ фаолият” [14] эканлиги, “Иқтисодиёт ва молия” электрон лўғатида “...фан ютуқлари ва илғор тажрибалардан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардир”, деб таъриф берилади. Киритиладиган янгиликлар деганда фан ва техника ютуқлари, илғор технология ва янги ихтиролар, ноу-хау, интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатлардан фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, янгиликларни киритиш ва тарқатиш учун қабул қилинган пайтдан бошлаб, у инновацияга айланиб, янги сифат касб этади.

Тадқиқот методологияси

Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг хориж тажрибасига оид назарий билимларнинг шаклланиш босқичларини тадқиқот қилиш жараёнида тизимли таҳлил, индукция-дедукция, комплекс баҳолаш, мантиқий ва таққослама таҳлил қилиш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ҳозирги вақтда АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, жумладан Франция ва Германияда инновацион илмий-техникавий сиёсатга ўтилаётганлиги кузатилмоқда, унинг асосий вазифаси қўшилган қийматни яратувчи саноат корхоналарида илмий-техникавий инновацияларни жорий этиш учун энг қулай шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Саноати ривожланган мамлакатларда саноат корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштириш тизими кўплаб молиявий манбаларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, масалан:

- давлат томонидан мақсадли молиялаштириш (давлат бюджети ва махсус фондлар ҳисобидан);
- корхоналарнинг ўз маблағ манбалари ҳисобидан молиялаштириш;
- нотижорат ташкилотлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириш;

- хорижий капитал ҳисобидан молиялаштириш;
- фуқароларнинг шахсий жамғарлари ҳисобидан молиялаштириш (шахсий жамғармалар).

Турли мамлакатларда бу молиявий манбаларнинг фойдаланиш даражаси бир хил эмас, лекин биринчи иккитаси устунлик қилади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни давлат томонидан молиялаштиришдаги иштироки анча юқори. Масалан, АҚШда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини молиялаштиришдаги улуши барча харажатларнинг қарийб 40% ни, Буюк Британия, Швеция ва Германияда бу кўрсаткич 40%, Францияда - 57%, Японияда - 28%ни ташкил қилади [15]. Америка Қўшма Штатларда инновация ишлари учун федерал маблағларни дастлабки тақсимлаш идоровий асосда амалга оширилади. Ҳар бир мутасадди давлат органи ўзининг расмий функцияларига мувофиқ инновация ишларини олиб бориш учун жавобгардир.

Ҳар бир мутасадди давлат орган раҳбарияти инновацион фаолиятни амалга ошириш учун ажратилган бюджетнинг қанча миқдори ички ижрочилар томонидан, қолган қисми эса ташқи ижрочиларга ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилади. Масалан, АҚШ Мудофаа вазирлиги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига бюджетнинг камида 75 фоизини илмий тадқиқот муассалари ва саноат корхоналари томонидан тақдим этилган ташқи пудратчилар орқали амалга оширади.

АҚШ ҳукумати мақсадли субсидиялар, дотациялар ва илмий стипендиялар бериш орқали фундаментал тадқиқот ва саноат ўртасида узоқ муддатли алоқаларни ўрнатишда иштирок этади. Шу билан бирга, муҳандислик-тадқиқот марказларини ташкил этиш орқали илмий тадқиқотларни амалга ошириш имкони берувчи инфратузилмани ривожлантиришга катта эътибор қаратилади, уларда илмий тадқиқот муассалардаги олимлар томонидан саноат корхоналаридаги тегишли муаммоларни бартараф этиш устида ишлашади. Айти пайтда АҚШда 100 дан ортиқ шундай марказлар мавжуд бўлиб, айти пайтдаги инновацион фаолият ишлари тегишли тадқиқот буюртмачилари томонидан молиялаштирилади.

АҚШ ҳукумати фаол илм-фан сиёсатини олиб бориш орқали қуйидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган [16]:

- фундаментал тадқиқотлар натижалари заҳирасини яратиш;
- илмий-техник лойиҳаларнинг молиявий таваккалчилигини камайтириш;
- академик ва амалий тадқиқотлар ўртасидаги муносабатларни ташкил этишда воситачилик вазифасини бажариш;
- илмий тадқиқотларнинг ахборот базасини ривожлантириш, шунингдек, илф-фан моддий-техника базасининг қолоқлигини бартараф этиш.

АҚШда инновацияларни яратишдаги амалий тадқиқотлар учун маблағлар давлат маблағлари яъни Миллий илм-фан жамғармаси ҳисобидан молиялаштирилади, ушбу маблағлар саноатда инновацион фаолиятни амалга оширишда киритилган капиталнинг таваккалчилигини камайтириш ва янги ғоялар учун инкубаторлар тармоғини ривожлантириш имконини беради.

Инновацияларни ҳаётга татбиқ этиш ва уларни самарали фойдаланиш мақсадида илмий-тадқиқот муассасаларида инновацион марказлар ташкил этилган. Иқтисодий ривожланишда орқада қолган ҳудуд(штат)ларда янги инновацион тузилмаларни яратишни рағбатлантириш орқали инновацион марказлар барпо

этилмоқда. Ушбу марказлар инновацион фаолиятни молиявий ва моддий воситалар билан таъминлаш ҳамда киритилаётган капитал рискни камайтириш имкони беради.

АҚШ ҳукумати томонидан молиялаштириладиган илмий тадқиқот ва ишланмаларни хусусий фирмалар томонидан патентлашга, шунингдек АҚШ ҳукуматига тегишли бўлган патентлардан тижорат мақсадларида фойдаланишга бўлган лицензияларни олишга рухсат берилади [17].

Умуман олганда, АҚШда инновацион фаолиятни давлат томонидан тўғридан-тўғри молиялаштириш уч усулда амалга оширилади [18]:

- илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг натижаларини инновацион маҳсулотни яратишга олиб бориш учун давлат муассасалари ёки лабораториялар ва бошқа тузилмаларга молиявий маблағлар ажратилганда маъмурий ва ташкилий усулда;

- мақсадли дастур усули, бунда маблағлар муайян мақсадли вазифани бажариш учун ажратилади. Бунда молиялаштирувчи орган (давлат органи) ва илмий-техникавий ишланмаларни амалга оширувчи ўртасида шартнома тузилади. Давлат томонидан илмий-тадқиқот ва инновацион ишланмаларга сарфланадиган харажатларнинг қарийб 70 фоизи шартномавий молиялаштириш асосида амалга оширилади. Шу билан бирга, шартномада барча амалга оширилидаган вазифалар батафсил ва такрор амалга ошириладиган лойиҳа ҳужжатлари бўйича тузилади, ушбу шартномалар тарафларнинг ўз вазифалари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари тўғрисида қонуний равишда келишилган ёзма баёнотини асослайди. Шартномаларда, шунингдек, ишларнинг алоҳида босқичларини бажариш, молиявий ресурсларни сарфлашнинг аниқ тартиби белгиланади;

- субсидиялар (грантлар) бериш орқали молиялаштириш (тўғридан-тўғри қўллаб-қувватлаш) усули. Субсидиялар инновацион лойиҳа ижрочиларига асосий иш жойидаги иш ҳақиға қўшимча равишда ва ундан қатъий назар берилади. Лойиҳа иштирокчиларига ажратилган маблағлар қайтариб олинмайди, тадқиқот гуруҳи ёки алоҳида шахслар томонидан олинган маблағларни мустақил равишда сарфлайди.

Расмий АҚШ статистика маълумотларига кўра, илмий-инновацион ишларни молиялаштиришнинг умумий учта асосий манбаси: биринчи, федерал ҳукумат - умумий молиявий ресурсларнинг 49 фоизини; иккинчидан, саноат ишлаб чиқариш субъектлари томонидан 47 фоизини; учинчидан, ноижорат тармоғи (университетлар, илмий тадқиқот муассасалари ва бошқа ноижорат тузилмалар) 4 фоизини молиялаштиради.

Инновацион илмий-тадқиқот ва ишланмаларга йўналтирилган юқори сармоядан олинган фойда АҚШ иқтисодиётини янада ривожланишига намоён бўлади. 20 асрнинг 90 йилларда юқори технологияли ишлаб чиқариш турларининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига қўшган ҳиссаси анъанавий тармоқларга қараганда 2 баробар кўпни ташкил этди [19]. АҚШ ўзининг юқори инновацион технологияларини экспорт қилиши бўйича етакчи ўринга эга.

Тўғридан-тўғри бюджетдан молиялаштириш усулларида ташқари, инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий шароитларни шакллантириш билан боғлиқ бўлган инновацион фаолиятни билвосита молиялаштириш чораларини ҳам қўллади. Уларга инновацион фаол тузилмаларга молиявий ресурсларнинг муҳим қисмини илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш имконини берувчи жозибдор амортизация ва солиқ сиёсати мисол бўла олади.

АҚШда қонунчилик даражасида саноат корхоналарида инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мақсадида қуйидаги чоралар кўрилади:


- махсус солиқ имтиёзлари;
- компаниялар томонидан илмий инновацион тадқиқот ишларини амалга оширишларини рағбатлантириш;
- саноат корхоналари томонидан амалга оширилаётган инновацион фаолиятдаги таваккалчиликларни молиялаштириш;
- акцияларни очиқ бозорда сотиш орқали юзага келадиган таваккалчиликларни молиялаштириш фондларини шакллантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- илмий инновацион ҳамкорликни яратиш.

Солиқ имтиёзлари нуқтаи-назаридан, саноат корхоналарида инновацион фаолият ишларига инвестициялар бўйича 25 фоиз чегирма мавжуд бўлиб, бу солиққа тортиладиган миқдорни тежаб қолиш имконини беради. Ушбу чегирма амалдаги қонунчиликка қўшимча равишда жорий этилган бўлиб, у барча инновацион фаолиятдаги харажатларни жорий тўловлар сифатида ҳисобдан чиқаришни назарда тутди. Шунингдек, саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришда шерикликларга маблағ киритган жисмоний шахслар учун даромад солиғи чегирмалари белгиланган. Шерикликдаги жисмоний шахсларнинг солиқ тўловлари 50% гача камайтирилган. Ҳамкорликда инновацион фаолиятни амалга ошириш учун ҳарид қилинган тажриба-конструкторлик асбоб-ускуналарини тезлаштирилган амортизациясидан, шунингдек асбоб-ускуналарга инвестициялар учун солиқ имтиёзларидан фойдаланиш ҳам мумкин. Агар шериклик муваффақиятли бўлса ва унинг алоҳида аъзолари қўшимча ҳақ ёки инновацион маҳсулотларни сотишдан фойда кўринишида даромад олсалар, ушбу тўловлар учун 20 % (42% ўрнига) миқдорда имтиёзли ставкаларда солиққа тортилади. Бошқа томондан, ҳамкорликда инновацион фаолиятни молиялаштириш тадбиркорлик хавфини камайтиради.

Америка Қўшма Штатларда амалга оширилаётган жозибадор амортизация сиёсатини алоҳида таъкидлаш керак. Амортизация даврларининг кескин қисқариши йирик саноат корхоналарида катта маблағларни бўшатиш ва уларни инновацияларни молиялаштириш мақсадларига йўналтириш имконини беради. Шу билан бирга, янги ташкил этилган компанияларга ўз фаолиятининг биринчи беш йилида асосий ва интеллектуал капитал (амортизация қилинадиган мулк) қийматини бир марталик ҳисобдан чиқаришгача бўлган ҳар қандай усул билан ҳисобдан чиқаришга рухсат берилган махсус имтиёзлар мавжуд.

Жаҳон амалиётида "солиқ имтиёзлари" тушунчаси солиқ суммасини ҳисоблашда солиқ базасидан тўлиқ ёки қисман олиб ташланиши керак бўлган суммани белгилаш учун ишлатилади. Рағбатлантириш жараёнига келсак, солиқ имтиёзлари инновацияга сармоя киритадиган фирмаларга солиққа тортиладиган даромадларидан илмий-тадқиқот харажатларидан имтиёз беради [8]. "Солиқ кредити" тушунчаси ушбу харажатларни амалга оширган субъектнинг якуний солиқ мажбуриятларидан илмий-тадқиқот харажатларига фоиз нисбатида чегирмаларни билдиради. Технологиялар соҳасида янги қонунлар қабул қилиниши университетларга ва миллий лабораторияларга патент олиш ҳуқуқини берди ва федерал бюджетдан молиялаштирилдиган тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштиришни рағбатлантиради. Технологияларни узатиш жараёнида ҳукумат фақат дастлабки босқичларда иштирок этади: инвестициялар, илмий-тадқиқот ва интеллектуал мулкни яратиш (расм). Кейинги босқичларда

хукумат интеллектуал мулк ҳуқуқларини илмий -тадқиқот ишларини бажарувчиларга- университетларга, тадқиқот ташкилотларига, хусусий фирмаларга ўтказди.



Расм. АҚШда технологияларни узатиш жараёнини рағбатлантириш

Манба: Муаллиф ишланмаси

АҚШ ҳукумати тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор инновацион дастурларни ишлаб чиқди: "Кичик бизнеснинг инновацион тадқиқотлари", "Кичик бизнес технологиялари трансфери", "Илғор технологиялар дастури" [20]. АҚШда инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг билвосита усуллари асосий бўғини ҳисобланади. Хусусан, улар қўшилган қиймат солиқ тўлови учун чегирма шаклидаги солиқ имтиёзлари, шунингдек, солиқ амортизацияси доирасида амортизация йиғимларининг махсус тартиби қуйидагича белгиланади. Имконият чегирмаси харажатлар ҳажмига мутаносиб равишда имтиёз беради. Қўшимча солиқ чегирмаси фақат янги технологик жараёнлар ёки ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган илмий -тадқиқот ишларига сарфланади. Бу чегирма ташқи кўриниш ёки ишлаб чиқариш турининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар билан боғлиқ харажатларга тааллуқли эмас (жадвал). Корпорациялар учун R&D соҳасидаги солиқ имтиёзлари.

Жадвал

Солиқ имтиёзлари корхоналарнинг илмий-тадқиқот учун рағбати сифатида (ривожланган мамлакатлар мисолида)

Солиқ имтиёзлари	Жорий этилган	Босқичма-босқич жорий қилаётган	Аралаш
Тахмин қилинган даромад солиғинидан чегириладиган инновацион соҳа харажатлари	Канада [21] Италия Корея Республикаси Голландия	Франция Япония Мексика	Португалия Испания
Инновацион соҳа бўйича имтиёзлар даромад солиғини ҳисоблаш учун асосланади	Дания Буюк Британия	Норвегия Белгия	Австралия Австрия

Ғарбий Европа мамлакатларидаги саноат корхоналарида инновацион фаолият, уларнинг ҳудудий яқинлиги туфайли инновацион интеграция жараёнларига алоҳида қизиқиш уйғотади.

Ғарбий Европа мамлакатлари саноат корхоналарида инновацияларни молиялаштириш масалаларига ХХ асрнинг 90-йиллари бошларида эътибор берилди. Бу жаҳон бозорида рақобатнинг кучайиши ва жаҳон бозорида инновацион жараёнларнинг интеграциялашуви билан боғлиқ [22]. Саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш ва рағбатлантириш усуллари таҳлил қилиш ва ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда асосан қуйидагиларга қаратилган:

- инновацион жараёнларни рағбатлантириш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш;
- ахборот хизматларини такомиллаштириш (интеграциялаш);
- университетлар, инновацион марказлар ва компаниялар-аро инновацион ҳамкорликни рағбатлантириш.

Ғарбий Европада саноат корхоналарида инновацияларни молиялаштириш ва жорий этиш масалаларига тўғридан-тўғри эмас, балки билвосита молиялаштириш масалаларига катта эътибор қаратилган [23].

Тўғридан-тўғри инновацион фаолиятни молиялаштириш манбаларига қуйидагилар киради:

- инновацион фаол фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарига давлат субсидиялари ва грантларини ажратиш;
- фонд бозорларини ривожлантириш;
- венчур (рискли) молиялаштиришни ривожлантириш [24];
- институционал молиялаштириш тузилмаларини (пенция ва инвестиция фондларини) ривожлантириш [25];
- хусусий инвестицияларни ривожлантириш ва рағбатлантириш.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ўз шахсий капиталини инновацион жараёнларнинг дастлабки босқичлари гуруҳига кирувчи корхоналарда инновацион фаолиятни молиялаштиришга тўғридан-тўғри инвестиция қилишдан манфаатдор бўлган "бизнес фариштаси" деб аталувчи хусусий инвестицияларга алоҳида ўрин берилди.

Инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг билвосита манбаларига қуйидагилар киради:

- солиқ имтиёзлари ва соддалаштирилган амортизация сиёсати;
- бошқарув консалтинг фирмаларини шакллантириш;
- илмий-техникавий ахборот марказларини ташкил этиш;
- профессионал кадрлар тайёрлаш.

Хусусан, Германияда давлат инновацион фаолиятни молиялаштириш учун субсидиялар асосида тўғридан-тўғри бюджет маблағлари ҳисобидан экспериментал ва инновацион дастурларни қўллаб-қувватлайди. Германияда яратилган инновацион банклар янги технологиялар соҳасидаги ишланмаларни назорат қилади. Ушбу банклар саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш учун имтиёзли кредитлар ажратади.

Давлат томонидан инновацион фаолиятларни молиялаштириш учун таваккалчилик капитали фондларини шакллантиришни қўллаб-қувватлайди. Мамлакатда 30 дан ортиқ таваккалчиликни молиялаштириш жамғармалари фаолият кўрсатмоқда. Ушбу жамғарманинг 20% маблағлари инновацион фаолиятларни молиялаштириш учун инвестиция сифатида киритилиб борилади.

Францияда 1999 йил инновацион бизнеснинг ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган инновациялар тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Қонунчилик асосида инновациялар соҳадаги кадрларни кўпайтириш ва қайта тайёрлаш, хусусий фирмалар ташкил этиш ва имтиёзли солиқ тизимини жорий этиш орқали инновацион бизнесга кенг эркинлик бериш кўзда тутилган. Шу билан бирга, ҳукумат томонидан юқори технологияли инновацион компанияларни молиялаштириш учун катта сезиларли молиявий ёрдамлар кўрсатилади. Соғлиқни сақлаш, биотехнология, машинасозлик, телекоммуникация ва электроника, дастурий таъминот, энергетика ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларига инновацион фаолиятларни молиялаштиришга устувор аҳамият берилади.

Францияда инновацион фаолият натижаларини жорий қилиш миллий агентлиги мавжуд бўлиб, у кичик ва ўрта компанияларнинг инновацион фаолиятларни молиялаштириш харажатларининг 50 фоизига, янги технологияларни жорий этиш харажатларининг 30 фоизига агентлик томонидан қоплаб бериш кўзга тутилади [26].

Буюк Британия ҳукумати барқарор иқтисодий ўсишнинг асоси сифатида корхоналарда илмий-техник тараққиётни тезлаштиришни рағбатлантиради. Инновацион корхоналар бўйича давлат сиёсатининг бир қисми сифатида илмий тадқиқотлар учун грантлар берилиши мумкин. Агар компаниянинг инновацион фаолияти давлат томонидан грант шаклида молиялаштирилган бўлса, бундай фаолият учун солиқ имтиёзлари грант миқдори бўйича қўлланилмайди.

Буюк Британияда кластер фалсафаси кенг ривожланган - бу мавжуд инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш, янги тармоқларни яратиш учун саъй-ҳаракатлар жамланмаси сифатида баҳоланади. Кластерлар инновацион корхоналарнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам беради, чунки бир ёки бир нечта интеграциялашган кластерлар янги маҳсулот ва уни ишлаб чиқариш учун ускуналарни ишлаб чиқарадилар. Кластерларнинг мақсади янги турдаги маҳсулот, уларни ишлаб чиқариш учун хом ашё, материаллар ва ускуналарни ишлаб чиқиш ва интеграцион илмий-тадқиқот ишлари учун потенциал ҳамкорларни топишдан иборатдир. Буюк Британияда сўнгги йилларда саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш учун давлат маблағлари ҳисобидан молиялаштиришнинг 32,6 фоизини, хусусий (венчур) молиялаштириш маблағлари эса 67,4 фоизни ташкил этди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ғарбий Европа мамлакатларида интеллектуал мулк объектларини яратишга катта эътибор берилмоқда, саноат корхоналарида инновацион фаолиятда интеллектуал капитали бўйича бир миллион меҳнатга лаёқатли аҳолига тўғри келадиган рўйхатга олинган патентлар сони бўйича биринчи ўринни Швецария (600 дан ортиқ патент) эгаллайди. Бироқ, бу мамлакатда ахборот технологиялари соҳасида патентлашнинг фаоллиги билан ажралиб туради, аммо Ғарбий Европа мамлакатларида патентлаш соҳасида етакчи ўринни кимё ва фармацевтика эгаллайди. Миллий ишланмаларни патентлаш учун рағбатлантириш дастурларини ишлаб чиқиш тажрибаси кенг. Ушбу дастурлар патент муҳофазаси харажатларини, патент тўловларини камайтириш, илмий ишланмаларни патентлашни рағбатлантириш, корхоналарда инновацион фаолиятдаги натижаларни патентлашда кўмаклашишга қаратилган.

Ғарбий Европа мамлакатлари патент инфратузилмасига катта аҳамият бериб, янги технологиялар ва ишланмаларни саноат корхоналарида жорий этилиши бўйича манбалар базасини шакллантиришга катта эътибор берилади.

Ҳозирги вақтда Ғарбий Европа мамлакатлари ягона инновация соҳасида механизмни яратиш устида ишламоқда: Ғарбий Европа илмий-техник маконини ташкил этиш, инновацияларни тартибга солиш усуллари ва рағбатларини ишлаб

чиқишдан иборат. Бу механизм Япония ва АҚШ билан инновациялар соҳасидаги мавжуд рақобат курашига қаратилган.

Японияда саноат корхоналарида инновацион фаолиятларни молиялаштириш учун давлат томонидан 25 % маблағ ажратилади, таққослаш сифатида бошқа ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 50 %ни ташкил қилади [27]. Бу ҳолат, Японияда асосан хусусий ҳолда инновацион фаолиятларни амалга оширилиши билан, бошқа ривожланган мамлакатларда эса инновацион ишлар таркибининг катта қисми ҳарбий саноат мақсадларда эканлиги билан изоҳланади. Японияда давлат субсидиялари асосан университетлар ва давлат тадқиқот ташкилотларига, бир қисми эса хусусий инновацияларни молиялаштириш учун йўналтирилади.

Ҳозирги вақтда Японияда инновацион фаолият таркиби қуйидаги нисбатларда шаклланган: фундаментал тадқиқотлар 13%, амалий тадқиқотлар 25%, экспериментал дизайн тадқиқотларига 62%ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, мамлакатда инновацион фаолиятни молиялаштириш асосан жаҳон бозорларида рақобатбардош янги истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга қаратилганлиги билан изоҳланади. Давлат янги ишланмаларни ишлаб чиқиш ва сотиб олиш учун шартномалар ва давлат буюртмалари орқали инновацияларга бўлган талабни рағбатлантиради.

Японияда инновацияларни молиялаштириш ва рағбатлантириш соҳасидаги асосий йўналишлари қуйидагилардир:

- хусусий компанияларда инновацион фаолиятни молиялаштириш учун давлат буюртмасини бериш билан молиялаштириш;

- инновацион фаолиятларни молиялаштириш учун турли мақсадли фондлардан маблағлар ажратиш;

- йирик саноат корхоналарига патент лицензиялари ва ноу-хауларни сотиб олиш учун давлат субсидияларини ажратилиши;

- истиқболли илмий-тадқиқот ишлари соҳасидаги илмий-ишлаб чиқариш фаолияти учун имтиёзли солиққа тортиш ёки солиқдан озод қилиш;

- миллий ишлаб чиқарувчини ташқи рақобатдан ҳимоя қилиш учун ташқи иқтисодий ҳимоя воситалари (бу ҳолда бошқа мамлакатлардан янги технологиялар олиш учун шароитлар яратилади).

Япония ҳукуматининг инвестиция (ҳукумат кредити ва инвестиция дастури) дастури мавжуд бўлиб, унда кредитлар ва инвестициялар (қайтарилиш шартларда) имтиёзли шартларда, тезкорлик ва тўлов асосида ажратилади. Ушбу дастур ҳар йили давлат бюджет лойиҳаси билан бирга ишлаб чиқилади ва парламент томонидан тасдиқланади.

Ҳукумат инвестиция дастурининг молиявий ресурслари асосан қуйидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- саноат инвестицияларининг махсус ҳисоби;

- Япония ҳукуматининг мажбуриятлар ва кредитлар бўйича кафолатлари;

- пенсия жамғармаси;

- аҳолининг ҳаётни суғурталаш тизими маблағлари ҳисобидан.

Японияда ҳукумат даражасидаги инвестиция дастуридан ташқари, бошқа инвестицион марказлар ва дастурлар мавжуд. Бу марказларга қуйидагилар киради:

- Япониянинг асосий технологиялар маркази - 1985 йилда ташкил этилган. Ташкил этишдан мақсад: кичик ва ўрта компаниялар учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва халқаро ҳамкорликни таъминлашдан иборат. Марказ амалий ишланмалар билан шуғулланувчи фирмаларга кредитлар кўринишидаги маблағларни

тақдим этиш билан бирга фундаментал тадқиқотларни молиялаштиради. Унинг молиявий механизми дивидендлар, фоизлар, банк кредитларини таклиф қилади.

- Янги энергия ва саноат технологияларини ривожлантириш ташкилоти (НЕДО) - 1988 йилда (кейинчалик 2003 йилда қайта ташкил этилган) ташкил этилган. Ташкил этилишидан мақсад саноат ишлаб чиқаришда инновацион фаолиятларни молиялаштиришдан иборат. НЕДОдаги илмий-тадқиқот ишлари қисман тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан молиялаштирилади. НЕДОнинг асосий фаолияти – саноат корхоналарида материаллар, энергия ресурслари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасида инновацион технологияларни жорий қилишни молиялаштириш ҳисобланади.

Шундай қилиб, Японияда саноат корхоналаридаги инновацион фаолиятни молиялаштириш тизими молиявий институтлар ва давлат илмий-техник сиёсатнинг устувор йўналишлари ўртасидаги аниқ муносабатларни ўз ичига олади. Бу рақобатбардош инновацион саноат маҳсулотларини чиқаришни таъминлаш, шунингдек, хусусий банкларнинг бўш молиявий ресурсларини номолиявий тармоқга инвестиция киритиш орқали чет эл капитални жалб қилишга қарамликни камайтиради. Япония ҳукумати турли молиявий воситалар орқали хусусий капитални инновацияларни молиялаштиришга йўналтириш учун мотивацион дастак сифатида фойдаланмоқда.

АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари ва Японияда саноат корхоналарида инновацион фаолиятларни молиялаштириш ҳамда рағбатлантириш бўйича тупланган хорижий тажрибани ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида шу натижага келиндики, ушбу ривожланган мамлакатларда инновацион фаолиятни молиялаштириш ва рағбатлантиришнинг самарали тизимлари туфайли саноат тармоқларида инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланишининг ижобий ўсиш тенденциялари кўзатиламоқда.

Хулоса ва таклифлар

Хорижий ривожланган давлатларнинг саноат корхоналари инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича самарали бой тажрибаларига эга. Бироқ, ҳар бир давлатнинг ўзига хос шаклланган анъана ва фарқли жиҳатлари амал қилади, шу боисдан бирон хорижий давлатнинг тажрибасини жорий қилишда мавжуд анъаналарни инобатга олмай бўлмайди. Улар бир давлатда ижобий натижа берган ва яхши ўз ўрнини топган бўлса, бошқа бир давлатда ҳам яхши натижа бериш кафолатини бермайди. Шу боисдан, мамлакатимизнинг саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштиришни муттасил ошириб бориш мақсадида хориж тажрибаси ўрганилди. Бизнингча, ривожланган хорижий мамлакатлардаги саноат корхоналарида инновацион фаолиятни молиялаштириш бўйича амалга оширилаётган самарали ҳамда тизимли чораларни мамлакатимиз амалиётида кенг қўллаш саноат корхоналаримизда янги қўшимча қийматга эга бўлган инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажмини муттасил ошиб боришига замин яратади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 декабр, № 271 (7199).
2. “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-

5544-сонли Фармон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.09.2018 й., 06/18/5544/1951-сон).

3. Статистика науки а инноваций. Краткий терминологический словарь / Под редакцией Л.М. Гохберга. – М., 1996. – с. 31.

4. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: Прогресс, 1982. - с. 169.

5. Твисс Б. Управление научно-техническими нововведениями. Пер. с англ. – М.: Экономика, 1989. – с. 271.

6. Санто Б. Инновация как средство экономического развития. Пер, с венг. - М.: Прогресс, 1990. - с. 296.

7. Drucker P.F. Innovation and entrepreneurship: Practice and principles. - L.: Pan Books, 1986. - p. 55.

8. Пригожий А.И. Нововведение: стимулы и препятствия (социальные проблемы инноватики). – М.: Политиздат, 1989.

9. Аньшин В.М. Инновационная стратегия фирмы. Учебное пособие. – М.: РЭА им. Плеханова, 1995.

10. Глазьев С.Ю. Теория долгосрочного технико-экономического развития. - М., 1993.

11. Дагаева А.А. Фактор НТП в современной рыночной экономике. Учебное пособие. - М.: Наука, 1994.

12. Фатхутдинов Р.А. Инновационный менеджмент. – М., 1998.

13. Ж.П. Е-М. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси ДИН, 2006. - 213 б.

14. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – с. 257.

15. Потёмкин С.Ю. Бухгалтерский и налоговый учет в инновационной сфере: от создания результатов научно-технической деятельности до использования прав на интеллектуальную собственность. – Экзамен, 2021. – с. 239.

16. Бабинцев В.С. США: приоритеты НТП. Научно-техническая политика и стратегия. – М.: Наука, 2018.

17. Лебедева Е.А. Инновационный бизнес в США. - М.: ИМЭМО, 2014.

18. Бжилянская Л. Инновационная деятельность: тенденции развития и меры государственного регулирования. // Экономист, 2016, № 3.

19. Бизнес-инкубаторы в системе поддержки малого бизнеса: российский и международный опыт. – М., 2021.

20. Firsov V.A. The US experience in investing in innovation. // Economics and Commerce, 2014, No. 3.

21. Лебедева Е.А. Инновационный бизнес в США. – М.: ИМЭМО, 2019.

22. Niosi J. National Innovation Policy of Canada. // Fundamentals of scientific and technical policy: theory and practice. – Paris, 2013.

23. Mansfield E. Economics of scientific and technological progress. - М., 2019.

24. Шелюбская Н. Косвенные методы государственного стимулирования инноваций: опыт Западной Европы. // Проблемы теории и практики управления, 2021, № 3.

25. Дагаев А.А. Критерии выбора перспективных инновационных проектов в практике венчурного финансирования. – М., 2018.

26. Яркин А.П. Совершенствовать систему стимулирования НИОКР и технологического развития. // Финансы, 2022, № 11.

27. Зайцев В.К., Росин В.Я. Основные направления НТП в Японии. – М.: ИМЭМО, 2018.